Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 216 (7356).

12 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1980 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. КОЛОМБОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Италия ташқи ишлар министри Э. Коломбони 11 ноябрь куни Кремлда қабул қилди.


Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий йўли изчил тинчликсеварлик йўли эканлигини, у Европада ва бутун жаҳонда ҳамкорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўришга интилаётганлигини таъкидлади. Ҳар икки мамлакат кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик ишига содиқ эканлиги уқтириб ўтилди.

Суҳбат қатнашчилари турли соҳаларда Совет-Италия ҳамкорлигининг аҳволи ва истиқболларига катта эътибор бердилар. Шу билан бирга СССР ва Италия бу ҳамкорликни чуқурлаштириш ва давом эттиришдан манфаатдор эканлиги изҳор қилинди.

Суҳбат амалий, конструктив, дўстона руҳда ўтди.

Суҳбатда Совет томонидан: КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов; Италия томонидан Италия Республикаси ташқи ишлар министрлиги сиёсий департаментининг бош директори В. Гардини, Италия Республикасининг СССРдаги элчиси Д. В. Маккотта ҳозир бўлдилар. (ТАСС).



Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида. В. Молгачёв («Правда Востока») фотоси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

11 ноябрь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси очилди.

Ҳукумат ложаларида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва республика ҳукуматининг аъзолари ўтиришибди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **А. А. Хўжаев** очди. Қуйидаги кун тартиби якдиллик билан тасдиқланади:

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида;

2. Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида;

3. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари тўғрисида;

4. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси тўғрисида;

5. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат **Қ. А. Аҳмедов** доклад қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида» республика молия министри депутат **В. Муродхўжаев**нинг доклади тингланди.

Олий Совет план-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Л. И. Греков** Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди.

Кун тартибининг биринчи ва иккинчи масалалари юзасидан бошланган музокараларда депутатлардан **К. Р. Ризаев** (484-Манғит сайлов округи), **Г. М. Саркисов** (1-Фурманов сайлов округи), **А. Рустамов** (454-Мулкобод сайлов округи), **Ҳ. Б. Жамолов** (167-Бухоро сайлов округи), **Н. Маннопов** (49-Горький сайлов округи), **А. П. Шендрик** (145-Дарлоқ сайлов округи), **Б. Элбоев** (240-Паландара сайлов округи), **А. Худойқулов** (299-Гагарин сайлов округи), **М. Маткаримов** (459-Хива сайлов округи) қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида танаффуслар кейин кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан музокараларда давом этди. Музокараларда депутатлардан **И. У. Қўчқоров** (396-Сирдарё сайлов округи), **Д. Б. Норматова** (103-Пискент сайлов округи), **А. Эргашев** (211-Оҳунбобоев сайлов округи), **Р. С. Эргашев** (383-Ленин йўли сайлов округи), **К. Эгамбердиев** (260-Ленин сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Биринчи масала юзасидан докладчи депутат **Қ. А. Аҳмедов** ва иккинчи масала юзасидан докладчи депутат **В. Муродхўжаев** якунловчи нутқ сўзладилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунларини, «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани 1980 йилда қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида»ги қарорларини бир овоздан қабул қилди.

Сессия кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқишга киришди. Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳаларини тайёрлаш доимий комиссиясининг раиси депутат **Б. И. Пинхасов** «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари ҳақида» доклад қилди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан музокараларда депутатлардан **М. С. Восиқова** (420-Ёзёвон сайлов округи), **Н. М. Железнов** (22-Темир йўл сайлов округи), **Н. Б. Бўриҳўжаев** (442-Тошлоқ сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун асослари ҳақида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК)нинг ва Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК)нинг Раиси, Революцион армиясининг Бош қўмондони Менгисту Хайле Мариам 1980 йил 27 октябрдан 10 ноябргача расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди.

Совет ва Эфиопия раҳбарлари ўртасида икки томонлама муносабат ва ҳамкорлик масалалари юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи асосий халқаро проблемалар юзасидан музокаралар олиб борилди. Музокаралар дўстлик ва ҳамкорлик муҳитида ўтди. Музокараларни:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков;

Эфиопия томонидан — Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси ва Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси, Революцион армиясининг Бош қўмондони, Менгисту Хайле Мариам, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, мудофаа министри, бригада генерали Тесфайе Гебре Кидан, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, ЭМПТК халқаро бўлимининг мудири Берхану Байе, МҲМК Доимий Комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, тараққиёт ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампаниясини ўтказувчи Олий кенгаш раисининг ўринбосари Аддис Тедла олиб бордилар.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССРнинг Социалистик Эфиопиядаги элчиси Б. Е. Кирнасовский; СССР ташқи ишлар министрлиги ҳузуридаги Африка бўлимининг мудири В. А. Устинов;

Эфиопия томонидан — молия министри Тефферра Больде-Семайат, ташқи ишлар министри доктор Фелеке Гедле-Гиоргис, саноат министри Тесфайе Динка, шаҳар ривожи ва уй-жой қурилиши министри Касса Гебре, маориф министри Гошу Вольде, қишлоқ хўжалиги министри Геремеу Дебеле, МҲМК Раисининг ёрдамчиси Мегисту Гемечу, Революцион армия Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи полковник Гебрейес Волде-Ханна, ЭМПТК идеология бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Фасика Сиделиль, Социалистик Эфиопиянинг СССРдаги элчиси Несибу Тайе, ЭМПТК ташкилий бўлими мудирининг иккинчи ўринбосари Шевандань Белете иштирок этдилар.

Л. И. Брежнев Менгисту Хайле Мариамга Октябрь Революцияси орденини топширди. Менгисту Хайле Мариам Л. И. Брежневга Социалистик Эфиопиянинг «Ҳурмат юлдузи» орденини топширди.

Олий мартабали меҳмон В. И. Ленин мавзолейига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйди, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги муносабати билан Москвадаги ҳарбий парадда ва меҳнаткашлар намойишида ҳозир бўлди.

Менгисту Хайле Мариам ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида Москва, Волгоград ва Олмаотани бориб кўрдилар, у ердаги меҳнаткашларнинг муваффақияти ва турмуши билан танишдилар. Совет-Эфиопия дўстлиги митингларида қатнашдилар, бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини, шунингдек фан ва маданият муассасаларини кўздан кечирдилар.

1.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиб шуни таъкидладиларки, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳамма соҳаларда дўстлик ва ҳамкорлик соҳасидаги шартнома, шунингдек тегишли Совет-Эфиопия битимлари асосида чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда, бу эса иккала мамлакат халқларининг мушарак манфаатларини ҳамда империализмга, экспансионизмга, мустамлакачиликка, ирқчиликка, апартеидга ва реакцияга қарши кураш идеалларига содиқ эканликларини акс эттиради, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш барча тараққийпарвар, демократик ва тинчликсевар кучларнинг бирлигини таъминлашга ёрдам беради.

Томонлар иқтисодий, илмий-техника, савдо, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида тузилган Совет-Эфиопия битимлари қандай бажарилаётганини кўриб чиқдилар. Улар ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганини қайд этдилар ва уни янада кенгайтириш фикрини билдирдилар.

(Давоми тўртинчи бетда).

МЕҲНАТ ВА ЖАСОРАТ УЧУН ТАШАККУР!

1980 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДА ИШТИРОК ЭТГАН РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА, ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАРГА, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИГА, СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1980 йил пахта ҳосилини етиштириш ва йиғиб-териб олишда иштирок этган республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги меҳнаткашларини, олимлар ва мутахассисларни, саноат корхоналари, қурилишлар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини, студентлар ва ўқувчиларни, барча меҳнаткашларни республика пахтазорларида қўлга киритилган улуғвор ғалаба билан самимий табриклайдилар ва шавкатли меҳнат учун сидқидилдан миннатдорчилик билдирадилар. Давлат хирмонига Ўзбекистондан 6 миллион 150 минг тонна — Ватан пахтачилигининг бутун тарихида энг кўп миқдорда «оқ олтин» жўнатилди.

Пахтанинг 3 миллион 900 минг тоннаси машиналарда териб олинди. Айниқса, қимматли ингичка толали пахта ҳар қачонгидан ҳам кўп — яъни 350 минг тонна таййорланди. Ҳосилнинг 85 процентдан кўпроғи таййорлов пунктларига биринчи сорт билан топширилди.

Мислсиз чўққи забт этилди. Бу — пахта таййорлаш беш йиллик планининг ажойиб якунидир. Бу — КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг қарорларига, халқ фаровонлиги тўғрисида партия билан ҳукуматнинг қилаётган ғамхўрлигига амалий иш билан қайтарилган энг яхши жавобдир. Бу — жонажон партиянинг XXVI съездига муносиб меҳнат совғасидир.

Республика меҳнаткашлари барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таййорлаш юзасидан беш йиллик план ва социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилганлиги тўғрисида партия Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, Совет ҳукуматига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга зўр мамнуният ва адо этилган бурчни англаш туйғусига тўлган ҳолда маълум қилдилар.

Леонид Ильич Брежнев шу гоят катта меҳнат ғалабаси билан республика меҳнаткашларини сидқидилдан табриклади. Унинг самимий сўзлари Ўзбекистон барча аҳолисининг онги ва қалбига чуқур етиб борди, Ленин партияси режаларини бажариш учун курашда уларга янги куч бахш этди.

Республика меҳнаткашлари пахтакорларга бераётган ҳар томонлама ёрдам учун, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда доимо кўмаклашаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, шахсан Леонид Ильич Брежневга, улуғ рус халқига, кўп миллатли мамлакатимизнинг барча қардош халқларига самимий миннатдорчилик туйғуларини изҳор этадилар.

Ўзбекистонда ҳар бир меҳнаткаш — колхозчи ва ишчи, инженер ва педагог, студент ва ўқувчи фахрланиб ўзини пахтакор деб атамоқда, совет кишисига хос энг яхши хислатларни ана шу фахрли номда мужассамлаштирмоқда. Ерга меҳр-муҳаббат, юксак даражада уюшқоқлик, маҳорат, меҳнатсеварлик, букилмас ирода — шу ажойиб фазилатларнинг ҳаммаси ҳосил учун олиб борилган жанг давомида тўла тўкис намоён бўлди.

Мана шу жангда, мана шу серташвиш ҳамда меҳнатдаги ғайрат шижоатга тўла ажойиб кунлар ва тунларда Ўрок ва Болға бузилмас иттифоқининг бунёдкорлик қудрати яна бир бор бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Эришилган ғалаба олтин кўлли пахтакорларнинг муносиб шон-шуҳратини оширди. Бугунги кунда республика саноат корхоналари ва қурилишлари, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари, студентлар ва ўқувчилар, шаҳар аҳолиси, барча меҳнаткашлар ана шу ғалабанинг ҳаққоний шериклари сарфлаган қаҳрамонона куч-ғайрат муваффақиятни таъминлади.

Пахтакорларга, механизаторларга, мутахассисларга, ишчилар синфига, зиёлиларга, студентлар ва ўқувчиларга, пахтадан рекорд ҳосил етиштирган ва йиғиб-териб олган кишиларга, шонли ғалабага ўз ҳиссасини қўшган кишиларнинг ҳаммасига шон-шарафлар бўлсин! Ўртоқлар, юксак даражадаги онглилигингиз, меҳнат жасоратингиз учун сизларга катта раҳмат!

Пахта учун кураш қатнашчиларига самимий ташаккур ва гоят зўр миннатдорчилик билдирамиз, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнатда ва ўқишда, КПСС XXVI съезди қарорларини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетига Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент саноат корхоналари коллективларини ва шаҳарнинг барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўнинчи беш йиллик план топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги билан самимий табриклайдилар.

Беш йиллик бошидан буён саноат ишлаб чиқариш ҳажми 41,6 процент кўпайди, бу ўсишнинг 90 процентидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди, пландан ташқари 388 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Халқ хўжалиги қўшимча равишда пахта териш техникаси, экскаваторлар, кранлар, компрессорлар, кабель маҳсулоти, синтетик смола, пластмасса буюмлари, чинни-фаянс идишлар, ёрма, омихта ем, қаймоғи олинмаган сут ва бошқа маҳсулотларни анча кўп миқдорда олди. Халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш бир ярим баравардан зиёд ортди, давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулот уч баравар кўпайди.

Саноатда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича беш йиллик план топшириқлари муваффақиятли бажарилганлигини хурсандчилик билан қайд этиб ўтамиз. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, электротехника, трактор, «Ташсельмаш», «Ташкенткабель» заводлари ва бошқа корхоналарда янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. 3,2 миллион квадрат метр уй-жой биноси фойдаланиш учун топширилди. Бу эса тошкентликлардан 350 минг кишининг уй-жой шароитини яхшилаш имконини берди. 47,5 минг ўринли мактаблар, 22 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, кўпгина касалхоналар, поликлиникалар ва маданий-маиший объектлар қурилди. В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг 17 километр узунликдаги биринчи линияси муддатидан илгари, аъло сифат билан ишга туширилди.

Пойтахт меҳнаткашлари оталиқ йўли билан қишлоқ хўжалигига катта ёрдам бердилар, Ўзбекистоннинг олти миллионли пахта хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни баланд руҳ билан кутиб олдилар ва беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПССнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун юксак социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Бу муваффақиятларга ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг, шаҳардаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иши туфайли, КПСС XXV съездининг қарорларини амалга оширишда ижодий тарзда авж олдирилганлиги туфайли эришилди.

Азиз ўртоқлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ватанимиз саодати йўлидаги меҳнатда янги ижодий муваффақиятлар тилайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1980 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. АҲМЕДОВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети тўртинчи сессиясининг қарорлари, келгуси беш йилликда жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантириш йўлларини белгилаб берадиган КПССнинг тарихий XXVI съезди олдидан умумхалқ тайёргарлиги туфайли мамлакатимиз меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги юксак даражага кўтарилган бир вазиятда ўтмоқда.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу Пленумда сўзлаган нутқини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида мамлакат экономикасининг ривожланишини чуқур таҳлил этди, халқ хўжалигини янада юксалтириш, бутун ишимиз услубини такомиллаштириш соҳасида бир қанча жуда муҳим масалаларни ўртага қўйди.

Келгуси йилда республикамиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида бу вазифалар аниқ кўрсатиб берилди. Пленум КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг якунларини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги давлат планини лойиҳасини муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йил планининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми томонидан маъқулланган лойиҳасини сиз ларнинг муҳокамангизга тақдим этади. Бу лойиҳа КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ҳозирги босқичда партиянинг иқтисодий сиёсати масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилди ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида баён этилган қоидалар ҳамда талабларга асосланганлигир.

1980 йилда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим якунлари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтишга ижозат бергайсиз.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 1980 йил плани халқ хўжалигини ривожлантиришнинг барча муҳим кўрсаткичлари бўйича оширилиб бажарилади.

Ялпи ижтимоий маҳсулот 1,8 миллиард сўм, ёки 5,5 процент кўпаяди. Иқтисодий юксалишнинг пировард натижаларини акс эттирувчи миллий даромад 1979 йилдагига нисбатан 6,2 процент ортиб, 15,8 миллиард сўмдан ҳам ошиб кетади. Миллий даромаднинг қарийб 80 проценти халқ фаровонлигини оширишдан иборат асосий вазифани ҳал этиш учун сарф қилинади.

Саноатнинг ҳамма тармоқлари ривожланиб бормоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми шу йил ичида 874 миллион сўм ортади.

КПССнинг XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди кўрсатиб берган йўл-йўриқларга тамомила мувофиқ, халқ истеъмол қиладиган хилма-хил молларнинг ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари амалга оширилди. Бу йил шундай молларни ишлаб чиқариш 277 миллион сўм ёки 1979 йил даражасига нисбатан 7 процент кўпаяди.

Машинасозлик, химия, нефть химияси, газ саноатида, халқ истеъмоли учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи енгил ва маҳаллий саноат тармоқларида ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш анча юқсак даражага кўтарилди. Саноатда фан-техниканы тараққий эттириш соҳасида давлат планида кўзда тутилган 420 тадбир амалга оширилди, янги машина, ускуна, аппарат ва приборларнинг 200 дан ортиқ хили ишлаб чиқарила бошланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан йиллик топшириқлар бажарилмоқда.

Халқ хўжалигини бошқаришни янада такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни концентрациялаш соҳасида анча иш қилинди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди ва хиллари янгиланди. Буюмларнинг 700 та янги тури олий сифат категориясини олиш учун аттестация қилинди ва Сифат белгиси билан чиқарилаётган буюмларнинг умумий сони 2 мингдан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериб, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирдилар, иш самарадорлиги ва сифатини оширдилар.

Пахтакорлар меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар қаҳрамонона меҳнат қилиб, социалистик мажбуриятларнинг оширib бажарилишини таъминладилар. Ватанга республика пахтачилиги тарихида биринчи марта 6 миллион 150 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 351 минг тонна қимматли нигича толали пахта топширидар. Шу тариқа Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйилган масъулиятли вазифа —беш йилликнинг охирига бориб олти миллионли маррага эришиш вазифаси муваффақиятли ҳал этилди. Қорақалпоғистон АССР ва барча областлар пахта тайёрлаш планини оширib бажардилар. Республикада ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда қарийб 33 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу —Ўзбекистон пахтачилиги тарихида энг юксак кўрсаткичдир.

Бу муваффақиятлар деҳқончиликнинг илғор технологиясини кенг жорий этиш, терим ишларини юксак даражада механизациялаш, илғорларнинг тажрибасини ҳамма жойда кенг ёйиш натижасида қўлга киритилди. Пахта далаларида 3100 дан ортиқ териш-транспорт отряди ишлади. Бу эса 33 минг терим машинасидан комплекс ва самарали фойдаланиш имконини берди. Бунинг натижасида 3 миллион 894 минг тонна пахта, ёки бутун ҳосилнинг 63 процентн машинада териб олинди.

Ғаллакорлар зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. 2 миллион 600 минг тоннага яқин дон, шу жумладан 1,3 миллион тонна маккажўхори, қарийб 500 минг тонна шоли етиштирилди. Давлатга 1 миллион тонна ёки планнинг 133 процентн миқдорида дон сотилди.

Пилла, сабзавот-полиз ва картошка, мева ва узум, қорақўл тери ва жун харид қилиш йиллик планлари оширib бажарилди. Ғўза, сут ва тухум тайёрлаш планлари ҳам бажарилиш арафасида турибди. Умуминтифоқ фондига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш плани анча оширib бажарилди. Қардош республикаларнинг меҳнаткашларига 940 минг тоннадан ортиқ сабзавотполиз маҳсулотлари, мева ва узум юборилди.

КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг ана шу жуда катта муваффақиятларга юксак баҳо берди. Леонид Ильич Брежневнинг республика меҳнаткашларига йўллаган самимий табрик сўзлари бизнинг қалбимизни қизғин миннатдорчилик туйғулари билан тўлдирмоқда, коммунистик қурилишда янгидан-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига 5,3 миллиард сўмдан ортиқ, ёки 1979 йилдагига нисбатан 2 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилади. 5,6 миллиард сўмга яқин асосий фондлар ишга туширилади. Бу фондлар ўтган йилдагига нисбатан қарийб 20 процент кўпаяди. «Электрохимпром» Чирчиқ бирлашмасида капролактам, Фарғона азотли ўғитлар заводида триацетатцеллюлоза ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар ишга туширилди, Маржонбулоқда олтин қазиб чиқарувчи кон. Навоий ГРЭСининг янги турбинаси, Гулистонда ёг-экстракция заводи ишга туширилди. Поп шаҳрида нотўқима материаллар фабрикасининг ишга туширилиши комплекси қурилди. Қўқондаги ип-йигирув-пайпоқ тўқув комбинати реконструкция қилинди, Сирдарё ГРЭСида тўққизинчи блок яқин кунларда ишга туширилади. Наманган шойи комбинатининг қувватлари оширилди, бир қанча бошқа объектлар қурилди. Тошкент метрополитени биринчи линиясининг иккинчи навбати ишга туширилди. Жиззах областида 24 минг ўринга мўлжалланган, Тошкент областида 25 минг парранда боқиладиган фабрика, бошқа областларда ҳам 11 паррандачилик комплекси ишга туширилди ва ишга туширилмоқда. 120 минг гектарга яқин суғориладиган янги ер ўзлаштирилади.

Жамоат транспортининг ҳамма турларида юк ва пассажирлар ташиш, алоқани ривожлантириш юзасидан шу йилги топшириқлар тўла ва оширib бажарилмоқда.

Моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар социал ривожлантиришнинг кенг миқёсдаги программасини планли равишда амалга ошириш имконини берди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 3,3 процент кўпайди. Ижтимоий истеъмол фондлари 6,7 процент ортиб, 4,9 миллиард сўмни ташкил этди. Ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ва колхозчиларнинг меҳнат ҳақи планда мўлжалланганидан ошиб кетди.

Чакана товар оборoти плани ортиги билан бажарилмоқда.

Бу йил ҳамма молиявий манбалар ҳисобига 5,9 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Бу эса 108 минг оиланинг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини беради. 147 минг ўринли мактаб, 52 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, кўпгина соғлиқни сақлаш, маданият ва маиший хизмат объектлари ишга туширилди.

1980 йил якунларини ҳисобга олиб, ўнинчи беш йиллик планининг бажарилишига бериладиган баҳо шундан вбораткн, ўтган йилларда республика экономикаси ва маданияти янада ривожланди ва аҳолининг фаровонлиги ошди. 1976—1980 йилларда жамики ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 129,5 процентни ташкил этади, миллий даромад эса 129,1 процент кўпаяди.

Саноат маҳсулоти ўтган беш йилликдагига нисбатан 18,5 миллиард сўм ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти эса 6,1 миллиард сўм кўпроқ ишлаб чиқарилади. 90 дан зиёд саноат корхонаси ва цехлар, 20 йирик чорвачилик комплекси ишга туширилди, 500 минг гектарга яқин суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш борасида топшириқлар амалга оширилмоқда.

Ўнинчи беш йилликда 28 миллион 425 минг тонна пахта етиштирилди ва тайёрланди. Бу —беш йиллик топшириқларидан қарийб 845 минг тонна ва аввалги беш йилликларгига нисбатан қарийб 4 миллион тонна ортиқдир.

Республика аҳолисининг турмуш даражаси анча ошди. Реал даромадларни, ижтимоий истеъмол фондларн, товар оборотини ошириш ва маиший хизматни яхшилаш юзасидан берилган топшириқлар беш йиллик планда белгиланганидан анча ошириб бажарилмоқда. 27 миллион квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланиш учун топширилди.

Шу билан бирга қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур: партия ва ҳукуматнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширш ва иш сифатини яхшилаш тўғрисидаги талаблари ҳамма соҳаларда амалга оширилганда ва мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланилганда ютуқларимиз янада салмоқли бўлур эди.

Бир қанча корхоналарда қувватлардан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида мўлжалдагига нисбатан камроқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 1980 йилда республикада ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ва уларни ўз вақтида ўзлаштириш йўли билангина қўшимча равишда бир неча юз миллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлаш мумкин эди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини тезлаштириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Баъзи жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг хиллари кўпайтирилмаяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун етарли даражада самарали иш қилинмаяпти.

Халқ истеъмол қиладиган молларнинг ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида фойдаланилмаётган резервлар ҳали кўп.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта муваффақиятлар қўлга киритилганига қарамай, айрим камчиликлар ҳам бор. Бир қанча хўжаликлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планларини тўлиқ бажармаяпти. Айрим чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларининг ишга туширилган қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Пахта касалликларига қарши курош ва унинг ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатида пахта-беда алмашлаб экишни тез жорий қилишнинг аҳамияти ҳамма жойда ҳам яхши тушуниб олингани, деб бўлмайди. Чорва мол ва паррандалар сонини кўпайтириш соҳасидаги ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Капитал қурилишнинг самарадорлигини ошириш — энг муҳим вазифаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Бир қанча соҳаларнинг корхоналарида берилган топшириқлар бажарилмаяпти, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё область ижроия комитетлари асосий фондларни ишга туширишда қолоқликка йўл қўймоқдалар. Ишга туширилади ган қурилишларда ишни кескин равишда кучайтириш талаб этилади. Мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини ва соғлиқни сақлаш объектларини қуриш қониқарсиз олиб борилмоқда, баъзи жойларда кооператив уй-жойлар қурилиши сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

Транспорт ва алоқа, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳасида ҳам нуқсонлар ва фойдаланилмаётган резервлар бор.

1981 йил плани лойиҳаси КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида белгиланган йўл-йўриқларга мувофиқ тайёрланган. План лойиҳасида кўзда тутилган топшириқлар ишлаб чиқариш имкониятларига тўғри баҳо бериш, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва экономиканинг балансларилган тарзда ривожланишини ҳисобга олиш асосида белгиланди.

Ялпи ижтимоий маҳсулотни бир йил ичида 4,2 процент кўпайтириб, 35 миллиард сўмга етказиш, миллий даромадни эса 4,5 процент ёки 16,6 миллиард сўм кўпайтириш мўлжалланди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5 процент, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 4,7, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 5,7 процент ортади. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 2,2 процент кўпаяди.

Республика территориясида молиявий таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига 5,6 миллиард сўм миқдорида, ёки 1980 йилдагига нисбатан 8 процент кўп капитал маблағ ажратиб бериш лойиҳалаштирилмоқда. Бу маблағларнинг тақсимланиши халқ хўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлайди.

Саноатнинг илдам ривожланиши экономиканинг тармоқ структурасида унинг ҳиссасини анча ошириш имконини беради. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатларининг тезлаштирилиши экономикани комплекс ривожлантириш характерини акс эттиради ва аҳолининг фаровонлигини оширишдан иборат энг муҳим вазифани ҳал этишни кўзда тутади.

Меҳнат унумдорлигини тобора ошириш — 1981 йил планининг асосий вазифаларидан биридир. Саноатда меҳнат унумдорлиги 2,8 процент ортади ва ишлаб турган корхоналарда маҳсулот ўсишининг қарийб 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Меҳнат унумдорлиги қурилишда 3 ва қишлоқ хўжалигида 4,1 процент кўпаяди.

1981 йилда планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади. Республиканинг саноат ишлари билан шуғулланадиган барча министрликлари ва идораларини норматив бўйича соф маҳсулот кўрсаткичига ўтказишга тайёргарликни кучайтириш мўлжалланган. Қурилиш министрликлари ва идораларига қурилишнинг товар маҳсулоти кўрсаткичи тасдиқлаб берилади ва 1981 йилда тамомила қуриб битказилган ҳамда фойдаланишга топширилган комплекс ва объектлар учун ҳисоб-китоб қилишга ўтишни тугаллаш кўзда тутилган. Саноатда асосий хўжалик ҳисоби звеноси бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларини янада ривожлантириш планлаштирилмоқда.

Республика саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 786 миллион сўм кўпайиб, 16,5 миллиард сўмга етади. Шу билан бирга ўсишнинг асосий қисми ривожланишнинг интенсив омиллари билан — ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилиш йўли билан таъминланади.

Планда **ёқилғи-энергетика комплексини** ривожлантиришга катта эътибор берилади. Электр энергия ишлаб чиқариш 33,2 миллиард киловатт соат планлаштирилмоқда. Кўмир, нефть, табиий газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш ҳажми анча кўпаяди.

Сирдарё, Навоий ва Ғазалкент электростанцияларида янги энергетика қувватлари ишга туширилади, 2-Ангрен ГРЭСи қурилиши ва Ангрен кўмир разрезини реконструкция қилиш давом эттирилади. Муборакдаги газни қайта ишлаш заводини кенгайтириш, газ конларини ободонлаштириш, янги электр линияларини ва газ қувурларини ишга туширш, ёқилғининг янги запасларини қидириб топиш соҳасидаги ишларнинг катта ҳажмлари белгиланади.

Қора металлургияда ўсиш суръатлари 13,8 процент миқдорида белгиланади. Ўзбекистон металлургия комбинатининг қувватларидан яхши фойдаланиш йўли билан пўлат қуйиш 32 процент кўпайтирилади.

Рангли металлургияда вольфрам ва молибден, кора мис, никкламчи алюминий, нодир металлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Хом ашё базасини ривожлантириш учун анча кўпрок капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 19,3 процент ортади. Бир қанча янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштириш ҳамда улардан яхши фойдаланиш йўли билан бунга эришилади. Минерал ўғит ишлаб чиқариш 230 минг тонна кўпайтирилиб, 7 миллион 87 минг тоннага етказилади. Пластмасса ва синтетик смола ишлаб чиқариш қарийб икки баробар, которан тербициди ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилади.

Индустриянинг етакчи тармоғи — **машинасозликда** ишлаб чиқаришни 5,7 процент ошириш мўлжалланди. Электр двигателларни ишлаб чиқариш 7,5 процент, куч трансформаторларини ишлаб чиқариш 6,2 процент, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун керакли машина-ускуналар ишлаб чиқариш 5,8, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш 4,6 процент ортади.

Капитал қурилиш ҳажмининг ўсишига мувофиқ равишда **бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни** тез ривожлантириш мўлжалланди. Бу материалларни ишлаб чиқариш суръатлари 6,4 процент ортади. Цемент, шифер, йирма темир-бетон, деворбоп материаллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Ғоят самарали замонавий материаллар говак тўлдиргич моддалар, рубероид, силлиқ шифер ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Саноатнинг ва халқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг минерал хом ашё базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида **геология-қидириш ишларини** кучайтириш мўлжалланмоқда. Рангли ва қимматли металларни, нефть ва газ, фосфорит ва эрости сувларини қидириб топиш ҳамда текшириш ишларининг ҳажми кенгайтирилади.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноати янада ривожлантирилади. Ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш асосида бунга эришилади. Қурилиш конструкциялари ва деталларини ишлаб чиқариш ортади, янги тузилган цехи ишга туширилади.

Пахта тозалаш саноатини 3,1 процент ривожлантириш планлаштирилмоқда. 1,8 миллион тонна пахта толаси тайёрланади. 33,3 минг тонна каноп толаси ишлаб чиқарилади. 2 та пахта тозалаш заводини, 7 та қуритиш-тозалаш цехини, пахта тайёрлайдиган, қабул қилиб оладиган 10 та пунктни, пахта сақланадиган 74 та омборни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш планлаштирилмоқда.

Аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётганлигини ва унинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш зарурлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг кўп-кўпгина қарорларига мувофиқ, план лойиҳасининг **халқ истеъмол қиладиган молларни тайёрлаш** ҳақидаги қисми батафсил ишлаб чиқилди.

Лойиҳани тайёрлаш жараёнида ўсиш резервлари қидириб топилди. Бу резервларни ҳисобга олиш натижасида истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 5,7 процент кўпайтириб, 4 миллиард 451 миллион сўмга етказиш имконияти туғилди, шу жумладан, оғир индустрия тармоқларида ана шу моларни ишлаб чиқаришни 9,3 процент миқдорида кўпайтирилади. Иттифоқ— республика ташкилотларига қарашли тармоқларда халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш 4,9 процент, республика хўжаликларининг корхоналарида эса 3,3 процент ортади.

Енгил саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 5,4 процент ортади. Газлама ишлаб чиқариш 15,3 процент, трикотаж буюмлар 3,7 процент, чинни идишлар 4 процент, пайпоқ 14 процент кўпайтирилади. Болалар учун мўлжалланган молларни ҳам анча оширилади. Андижон, Бухоро, Фарғона тўқимачилик комбинатларининг ва Жиззах ипакигирув фабрикасининг ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, Нукусдаги ип-газлама комбинатини қуриш соҳасида катта ҳажмдаги ишларни бажариш планлаштирилмоқда. Ип-газлама корхоналарининг 14 филиали, шу жумладан Андижон областида 5 та, Фарғона областида 3 та, Бухоро областида 2 та ва Қорақалпоғистон АССРда 4 та филиали ишга туширилади.

Озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 3,5 процент кўпайиб, 2,5 миллиард сўмни ташкил этади, шу жумладан, Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 3,7 процент, Ғўшт-сут саноати министрлиги бўйича 2,1, Давлат балиқчилик хўжалиги бўйича 5,5, «Узплодоовощчивпром» бўйича 4 процент кўпаяди.

Усимлик ва мол ёғи, ғўшт-сут ва балиқ маҳсулотлари, мева-сабзавот консерваларини, пиво-алкоголсиз ичимликлар ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

1981 йилда **ун-ёрма** маҳсулотларининг ҳажми 4,9 процент кўпайтирилади.

Мебель саноати янада ривожлантирилади. Республикада мебель ишлаб чиқариш 7,8 процент кўпайиб, чакана нархларда 153 миллион сўмни ташкил этади.

Маҳаллий саноатнинг ялпи маҳсулоти 24 миллион сўм, ёки 5,9 процент ортади, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми эса 432 миллион сўм кўпаяди. Маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш 13,8 процент, сувенирлар 7,7, маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан тайёрланадиган маҳсулот 14,2 процент ортади.

Қишлоқ хўжалигини тобора **интенсивлаш** — 1981 йил планининг асосий вазифаларидан биридир. Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш зарур эканлигини таъкидлаб, бу вазифа ғоят муҳим эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

1981 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўнинчи беш йилликнинг ўртача йиллик кўрсаткичларига нисбатан 9,7 процент кўпайиб 6 миллиард 673 миллион сўмни ташкил этади.

5 миллион 840 минг тонна пахта, шу жумладан 370 минг тонна нигича толали пахта етиштириш ва тайёрлаш планлаштирилмоқда, дон етиштиришни шу йилги планга нисбатан 11 процент кўпайтириб, 2 миллион 520 минг тоннага етказиш, сабзавот, полиз маҳсулотларини 2,5 процент, картошкани 12,8, узум етиштиришни 4,5, ғўштни 6,6, сутни 6,2 ва тухум тайёрлашни 6,5 процент кўпайтириш мўлжалланди.

План лойиҳаси ерларни кенг миқёсда мелиорациялаш, механизациялаштириш ва химиялаштириш, фан ютуқлари ҳамда прогрессив технологияни жорий этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқаришни тобора интенсивлаш соҳасида комплекс тадбирлар амалга оширишни кўзда тутади.

Камида 3 миллион 885 минг тонна, ёки шу йилги планга нисбатан 85 минг тонна кўпроқ пахтани машина билан териш мўлжалланмоқда. Бу эса ялпи ҳосилни ошириш кўзда тутилади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 3,5 процент ортади. Ижтимоий истеъмол фондлари бир йил ичида 292 миллион сўм, ёки 5,9 процент кўпаяди. Аҳолининг пул даромадлари 1980 йилда бажарилиши кутилган даражага нисбатан 683 миллион сўмни ташкил этади ёки 5,1 процент ортади. Бу даромадларнинг умумий миқдори эса 14,1 миллиард сўмга етади. Республика меҳнаткашлари иш ҳақи ва колхозлардан бериладиган даромад шаклидагина 10,3 миллиард сўм оладилар. Бу — барча пул даромадларининг 73 процентидан кўпрогини ташкил этади.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти аҳоли даромадларининг ўсишини ва истеъмол қилинадиган моллар ресурсларининг кўпайишини ҳисобга олиб, ўсишини кўзда тутиб лойиҳалаштирилди. Қўшимча топшириқларни эътиборга олганда чакана товар оборoти 10 миллиард 930 миллион сўмни ташкил этади ёки шу йилдагидан 8,2 процент ортиқ бўлади. Ғўшт, сут, тухум, ёрма, картошка, мева ва сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек газлама, чарм пойабзал, кийим-кечак, гилам ва пойндозлар, мебель, чинни идиш, автомобиль ва мотоцикл каби кўп талаб этиладиган саноат молларини кўпроқ сотиш мўлжалланади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 8,1 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 10,2 процент ортади.

Уй-жой ва коммунал қурилишни кенг кўламда амалга ошириш мўлжалланади. Барча манбалар билан таъминлаш ҳисобига 5 миллион 948 минг квадрат метрлик уй-жой қурилади. Бу эса 110 мингга яқин оиланинг уй-жой шароитини яхшилаш имконини беради. Республика аҳолисининг коммунал хизматнинг барча турларига бўлган эҳтиёжларини қондириш анча юксак даражага кўтарилади.

Маориф ва маданият янада ривожлантирилади. Умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони 2,6 процент ортади ва 4,1 миллион нафарга етади. Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони 7,6 процент кўпайиб, 977 минг нафарга етказилади.

Ҳунар-техника билим юртларида ва бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрланадиган малакали ишчи кадрлар сони 16,6 минг нафарга кўпайиб, 327 минг кишини ташкил этади. Республикадаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқувчи мутахассислар сони кўпаяди.

Соғлиқни сақлаш ишлари янада юксак даражага кўтарилади. Касалхона-поликлиника муассасалари шохобчалари кенгайтирилади. Касалхона ва санаторияларда ўринлар сони, медицина ходимлари кўпайтирилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг **ишлаб чиқарувчи кучларни комплекс ривожлантириш** тўғрисидаги программа кўрсатмаларига мувофиқ, план лойиҳасидаги табиий ресурслардан тўлароқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқариши даражасини тенглаштириш, айниқса, кичик шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкларда ва қишлоқ район марказларида меҳнат ресурсларини оқилона ишга солиш асосида Қорақалпоғистон АССР, область ва районларнинг хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Янгидан вужудга келтирилган қўриқ районларда комплекс қурилиш ишларини олиб бориш тадбирлари белгиланди. Бир қанча территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш юзасидан асосий кўрсаткичлар ишлаб чиқилди.

Планда халқ хўжалигини ривожлантириш ҳақидаги топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда **моддий-техника ресурсларини** ажратиб бериш мўлжалланган. Нефть маҳсулотлари, қора металлар прокати ва бинокорлик материаллари ресурсларини тежаш юзасидан кўрсаткичлар белгиланди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини доим ривожлантириш — Ўзбекистон ССРнинг **ташқи иқтисодий алоқаларини** тобора мустаҳкамлашнинг пишиқ-пухта негизи бўлиб хизмат қилади. Республикада ишлаб чиқарилаётган моллар жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатига юборилмоқда, экспорт қилинаётган моллар ҳажми эса йил сайин 5—6 процент кўпаймоқда. Чет эллларга жўнатиладиган моллар миқдори 1981 йилда ҳам ортиб боради.

Планни тўла ва оширib бажариш учун барча министрликлар ва идоралардан, халқ депутатлари маҳаллий Советларидан республикани социал ва иқтисодий ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, вужудга келтирилган иқтисодий потенциалдан оқилона фойдаланиш, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан тезлатиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва қаттиқ тежамкорликка риоя қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш талаб этилади.

КПССнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш, янги ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида зарбдор ва ғоят самарали иш йилига айлантириш учун ҳамма чораларни кўриш зарур. (Қарсаклар).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1979 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджети лойиҳасини сизларнинг муҳокама қилишингиз ва тасдиқлашингиз учун тақдим этади.

Совет халқининг фаровонлигини ҳар томонлама юксалтириш юзасидан партия XXV съезди белгилаган йўлга амал қилиб, ўнинчи беш йиллик давомида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш асосида республика хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги-янги муваффақиятларга эришди. Республика саноати маҳсулот реализация қилиш ва унинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ўн ойлик планнинг бажарилишини муддатидан олдин таъминлади.

1980 йилда қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари рекорд миқдорда пахта ҳосили етиштирдилар ва уни мислсиз қисқа муддатда териб, давлатга сотишни, қабул қилинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилишини таъминладилар. Мамлакат биринчи марта Ўзбекистондан 6 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» олди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республика деҳқонларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида меҳнатдаги шу галабага юксак баҳо берганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги чуқур мазмунли нутқини зўр маънонинг туйғуси билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети совет кишиларининг турмуш шароитларига, халқ фаровонлиги даражасига бевосита таалуқли масалаларни ҳал этишга асосий эътибор берди. Озиқ-овқат программаси, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш, уй-жой қурилиши, меҳнат шароитларини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятни ривожлантириш — биринчи галдаги мақсадлардир. Бу соҳада бизнинг республикамизда ҳам анчагина иш қилинди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг минимумини ойига 70 сўмга етказиш батамом тугалланди, йошлаб чиқариш тармоқларидаги ўртача ҳақ оладиган категориядаги ходимларининг ставка ва окладлари оширилди. Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида айрим категориядаги ходимларнинг пенсия таъминоти янада яхшиланди, колхозчиларнинг пенсия таъминоти юзасидан қўшимча имтиёзлар белгиланди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароити янада яхшиланди. Соғлиқни сақлаш бир қанча муассасаларида ҳамда ногиронлар ва кексалар интернат уйларида овқатланишга, дори-дармон сотиб олишга қилинадиган харажат нормалари оширилди. Умумий таълим мактабларининг биринчи-еттинчи синф ўқувчиларини дарсликлар билан текин таъминлаш жорий қилинди, шунингдек бир қанча бошқа тадбирлар ўтказилди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1975 йилдаги 136,6 сўмдан 1980 йилда 155 сўмга етказилади. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар аҳоли жон бошига 1975 йилдаги 258 сўмдан 1980 йилда 309 сўмга етади.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат планини ва республиканинг Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади.

Давлат бюджети лойиҳаси КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш масалалари юзасидан сўзлаган нутқлари, КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг ва СССР Олий Совети сессиясининг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги Давлат плани ва Давлат бюджетини тасдиқлаган қарорлари асосида ишлаб чиқилди.

Кенг миқёсда уй-жой қуриш ишлари олиб борилди. 3 миллионга яқин кишининг уй-жой шароитлари яхшиланди. Халқ маорифи, фан ва маданият янада ривожланди. Аҳолига медицина хизмати яхшиланди.

Республикада халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш, бошқарув аппарати структурасини такомиллаштириш ва бошқарув харажатларини иқтисодий жиҳатдан тежашга риоя қилиш соҳасида катта иш олиб борилмоқда.

1980 йилда бошқарув харажатларини қисқартириш йўли билан 20,8 миллион сўм тежаш топшириғи белгиланган эди, шу маблағ тўла-тўкис бюджетга тушди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ийл-йўриқларига мувофиқ ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш мақсадида республикада ички хўжалик резервларини қидириб топиш юзасидан мунтазам иш олиб борилмоқда. халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида пул маблағларидан ва моддий бойликлардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, социалистик мулкни сақлашни таъминлаш, план ва молия интизомига риоя қилиш, очиб ташланган камчиликларни тугатиш соҳасида ўтказилаётган ишнинг сифати оширилди.

Республика Молия министрлиги ва молия органлари контрол-ревизия ишини кучайтириш натижасида 1980 йилнинг ўтган даврида 141,6 миллион сўмлик ички хўжалик резервларини аниқладилар, умуман беш йиллик мобайнида 600 миллион сўмликдан зиёд ички хўжалик резервлари аниқланди.

Халқ хўжалиги тармоқларида план ва топшириқлар муваффақиятли бажарилиши, молия органлари қўшимча тадбирлари ўтказишни натижасида республиканинг 1980 йилги Давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Республиканинг 1980 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 6 миллиард 36,6 миллион сўм миқдорида ёки 101,3 процент қилиб ва харажатлар бўйича 5 миллиард 957,6 миллион сўм миқдорида ёки 100 процент қилиб бажарилади.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари ва Тошкент шаҳрида бюджетнинг даромад қисмини бажарди.

Республика бюджетини ижро этишда, хўжаликда қўшимча даромад ва харажатларни қидириб топишда, план ва молия интизомига риоя қилинишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг планбюджет комиссияси ва бошқа тармоқ доимий комиссиялари катта роль ўйнади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика экономикасини ривожлантиришда эришган муваффақиятларни қайд этиб, шу билан бирга министрлик ва идораларнинг, бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, ҳар бир бирлашма ва корхонада план топшириқлари тўла ва оширnotes бажарилиши учун, фан-техника тараққиётини суръатларини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, барча моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан тағин ҳам оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш асосида энг яхши пировард натижаларга эришиш учун янада сабот билан кураш олиб бориш масъулиятини юкладилар.

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ

Социалистик хўжаликдан тушадиган маблағ даромадларнинг асосий манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бюджет ҳамма ресурсларининг 86,8 процента мана шу тушумлардан иборат бўлади. Фойдадан бюджетга бериладиган тўловлар 1 миллиард 237,6 миллион сўм миқдорида, бу йил бажарилиши кутилаётганига нисбатан 1,3 процент ортиқ бўлиши кўзда тутилмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги зарар чегириб ташлангандан кейин олинадиган фойда 2 миллиард 134,9 миллион сўм миқдорида, яъни бу йил ижро этилиши кутилаётганига нисбатан 9,6 процент оширилиб белгиланади.

Фойданинг ўсиши, асосан, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, меҳнат сарфини тежаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш йўли билан таъминланади. Жами фойданинг 42 процента хўжаликларнинг ўз эҳтиёжларига сарф қилинади. Барча манбалар ҳисобидан иқтисодий рағбатлантириш фондларига бериладиган ажратмалар 540,2 миллион сўмга етказилади.

Оборот солиғи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг ўн биринчи беш йилликда транспорт ва алоқа янада жадал ривож топади. 1981 йилда шу мақсадга бюджетдан 121,5 миллион сўм сарфлаш, шундан умумдавлат, республика йўлларини ва маҳаллий йўлларини капитал, жорий ремонт қилишга ва асрашга 114,3 миллион сўм ёки 10,6 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

1981 йилда савдо-сотиқни ривожлантиришга тадбирларига 1980 йилдагига 54,2 миллион сўм ўрнига 57,4 миллион сўм ажратилмоқда.

Товар оборотининг белгиланган ҳажмига ва муомала чиқимларини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларга биноан савдо корхоналари ва ташкилотларининг фойдаси 184,1 миллион сўм миқдорида ёки 17,8 процент кўп қилиб белгиланган.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, маҳаллий Советлар аҳолига савдо хизматини янада яхшилаш, маблағ сарфида иқтисодий тежашни кучайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга янада активроқ таъсир ўтказиш, товар оборотини ва бюджетга тўловлар юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш соҳасида савдо ташкилотларининг ролини ошириш юзасидан мунтазам чора кўришлари зарур.

Аҳолига маиший хизматни ривожлантиришга 1981 йилда 18,5 миллион сўм ажратилади.

Давлат бюджетини тасдиқлаган қарорлари асосида ишлаб чиқилди.

Бюджет республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги лойиҳалаштирилаётган давлат планы кўрсаткичлари асосида Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларининг таклифларини, 1980 йилги план билан бюджетнинг ҳамда корхоналар, бирлашмалар, қурилишлар ва ташкилотлар коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига олган оширилган социалистик мажбуриятларнинг кутилаётган бажарилиши натижаларини ҳисобга олиб тузилди.

План ва бюджет лойиҳаларини тузиш вақтида бутун куч ва маблағни халқ хўжалигидаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга, мавжуд камчиликларни тугатишга марказлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар бўйича 5 миллиард 872,8 миллион сўм ёки 1980 йил учун Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган бюджет ҳажмига нисбатан 108,4 процент миқдорида белгиланди.

БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш харажатлари 2 миллиард 602,1 миллион сўм миқдорида ёки бюджет ҳамма харажатларининг 44,3 процентини миқдорида кўзда тутилмоқда. Шундан саноат ва қурилишни пул билан таъминлашга 586,1 миллион сўм, қишлоқ хўжалигини пул билан таъминлашга 1 миллиард 70,9 миллион сўм, шу жумладан сув хўжалиги қурилишига ва мелиорацияга 752 миллион сўм ажратилади. Бундан ташқари корхоналар ва ташкилотларнинг ўз ресурслари (фойда, амортизация) ҳамда банк кредитлари ҳисобидан халқ хўжалигини пул билан таъминлашга 2 миллиард 856,1 миллион сўм берилади.

Умуман халқ хўжалиги тармоқларини 1981 йилда ривожлантиришга 5 миллиард 458,2 миллион сўм харажат қилиш планлаштирилди. Мазкур мақсадга қилинадиган чиқимлар 1980 йилга нисбатан 454,6 миллион сўм миқдорида ёки 9 процент ортади. Республика халқ хўжалиги барча тармоқларининг ўз оборот маблағи жами ҳажми 1982 йил 1 январига 2 миллиард 336,9 миллион сўм миқдорида, 1981 йил 1 январдагига қараганда 116,8 миллион сўм ошириб белгиланади.

Республика министрликлари ва идоралари ҳамда маҳаллий Советлари ўзларига қарашли ҳар бир корхоналари ўз оборот маблағларининг ҳолатини кўриб чиқишлари ҳамда шу маблағларнинг сақланишини таъминлаш ва айланишини жадаллаштириш топшириқларини бажариш тадбирларини кўришлари керак.

Мана шу катта маблағ асосий ишлаб чиқариш фондларини планда белгиланганидек кўпайтиришни, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва реконструкциялашни, уларни илғор техника билан қуроллантиришни, оборот фондларининг зарур даражада ўсишини таъминлайди.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1981 йил саноатни пул билан таъминлаш учун бюджетдан 315,9 миллион сўм ёки 1980 йилга нисбатан 15,3 процент кўп маблағ ажратилади, шундан енгил, озиқ-овқат, гўшт, сут, маҳаллий саноатни ва балиқ хўжалигини пул билан таъминлашга 186,7 миллион сўм ёки бултургидан 12 процент кўп маблағ ажратилади.

Партиянинг халқ фаровонлигини ошириш йўлига мувофиқ аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни янада тез ривожлантириш белгиланди.

Ўн биринчи беш йилликда транспорт ва алоқа янада жадал ривожланади. 1981 йилда шу мақсадга бюджетдан 121,5 миллион сўм сарфлаш, шундан умумдавлат, республика йўлларини ва маҳаллий йўлларини капитал, жорий ремонт қилишга ва асрашга 114,3 миллион сўм ёки 10,6 процент кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

1981 йилда савдо-сотиқни ривожлантиришга тадбирларига 1980 йилдагига 54,2 миллион сўм ўрнига 57,4 миллион сўм ажратилмоқда.

Товар оборотининг белгиланган ҳажмига ва муомала чиқимларини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларга биноан савдо корхоналари ва ташкилотларининг фойдаси 184,1 миллион сўм миқдорида ёки 17,8 процент кўп қилиб белгиланган.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, маҳаллий Советлар аҳолига савдо хизматини янада яхшилаш, маблағ сарфида иқтисодий тежашни кучайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга янада активроқ таъсир ўтказиш, товар оборотини ва бюджетга тўловлар юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш соҳасида савдо ташкилотларининг ролини ошириш юзасидан мунтазам чора кўришлари зарур.

Аҳолига маиший хизматни ривожлантиришга 1981 йилда 18,5 миллион сўм ажратилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

1981 йилда бюджет ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигини ривожлантириш учун 1 миллиард 70,9 миллион сўм ёки 1980 йил планида белгиланганидан 18,9 миллион сўм кўп пул сарф қилинади. Шу тариқа қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришни ва қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш 1981 йилга белгиланган даражада ўсиши таъминланади.

1981 йилда Қишлоқ хўжалиги министрлигининг 196,5 миллион сўм миқдорида фойда бериши планлаштирилмоқда. Фойданинг деярли ҳаммаси хўжаликлар ихтиёрида қолдирилади.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва жойлардаги қишлоқ хўжалик органлари бутун диққат-эътиборини молия ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратишлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштиришни максимал даражада кўпайтиришни таъминлашлари лозим.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Республика экономикасида капитал қурилишга ғоят муҳим роль ажратилмоқда. Ҳар йили миллий даромаднинг бешдан бир қисмидан кўпроғи шу тармоққа берилмоқда. Шу туфайли беш йиллик мобайнида асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш ва тубдан янгилаш соҳасида катта ишларни бажариш, саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни барпо этиш, транспорт ва қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мумкин бўлди. Кўп миқдорда уй-жой ва маданий-маиший биноолар ҳам қурилди.

1981 йилда давлат капитал маблағининг жами ҳажми 2 миллиард 664,6 миллион сўм миқдорида кўзда тутилмоқда ва бу ишларга бюджет ҳисобидан 1 миллиард 514,9 миллион сўм, хўжаликларнинг ўз манбалари ва банк кредитлари ҳисобидан 1 миллиард 149,7 миллион сўм берилади.

Капитал ишларни пул билан таъминлаш плани лойиҳасида 1981 йилда қурилишдаги ички резервларни сафарбар этиш — қурилишлардаги ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг нормативдан ортиқча запасларини қисқартириш ҳисобига 111,9 миллион сўмни ишга солиш топшириғи кўзда тутилмоқда.

Республика министрликлари ва идоралари, маҳаллий Советлар планни бажаришни ва капитал ишларни пул билан таъминлашга ажратилган маблағни тўла-тўкис ўзлаштиришни, қурилишдаги ички ресурсларни сафарбар этиш, шунингдек, хўжалик органларининг ўз маблағларидан давлат капитал ишларини пул билан таъминлашга взнос қўйиш топшириқларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирларни кўришлари зарур.

СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР

Ўн биринчи беш йилликда меҳнаткашларга социал-маданий хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришда янги катта қадам қўйилади.

1981 йилда социал-маданий тадбирларга, қилинадиган харажатларни 1980 йилга нисбатан 5 процент кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу харажатларнинг жами миқдори 3 миллиард 79,9 миллион сўмни ёки бюджет жами ҳажмининг 52,4 процентини ташкил қилади.

Бу харажатлар асосий йўналишлар бўйича қуйидагича бўлади:

	Миллион сўм	1980 йилга нисбатан ўсиш процента
I. Маориф — жами	1728,1	5,5
шу жумладан: умумий таълим	969,3	6,8
Олий ўқув юртлари ва техникумлар	213,9	2,8
Ҳунар-техника таълими	172,7	11,6
II. Соғлиқни сақлаш	700,3	3,2
III. Жисмоний тарбия	4,9	40,0
IV. Социал таъминот ҳамда кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат нафақаси	646,5	5,4

Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, маданий-оқартув муассасалари, ҳунар-техника билим юртларининг тармоғи кенгайиши ва уларда таълим оладиганларнинг кўпайиши, олий ўқув юртларидаги студентлар ва техникумлардаги ўқувчилар кўпайиши, касалхоналар ҳамда бошқа муассасалар кўпайиши ва кенгайиши ҳамда бошқа тадбирлар кўрилиши маориф ва соғлиқни сақлаш, шунингдек социал таъминот харажатларини ўстиришни талаб қилмоқда.

Вазифа шундан иборатки, бу маблағлардан тўла-тўкис ва ўз ўрнида фойдаланиш керак. Бунга социал-маданий муассасалар тармогини ривожлантириш ва контингентларини кўпайтириш планини бажариш ҳамда бюджетда кўзда тутилган маблағдан самарали фойдаланиш йўли билан эришилади.

БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

Ҳозирги босқичдаги хўжалик ва маданий қурилиш планларимизнинг кенг миқёси барча мавжуд резервлар ва социалистик экономика имкониятларини тезроқ ишга тушириш учун халқ хўжалигини бошқаришни узлуксиз такомиллаштиришни талаб қилади.

Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига мувофиқ ўнинчи беш йилликда бошқарув аппарати структурасини яхшилаш ва унинг тежамлилигини ошириш тадбирлари бажарилди.

Министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари бундан буён ҳам бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва ихчамлаштириш тадбирларини амалга оширишни, бошқарув харажатларига меъёрдан ортиқ маблағ ажратмасликни таъминлаши керак.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Қорақалпоғистон АССРни, областларни ва Тошкент шаҳрини социал-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети ҳамда областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳасига даромадлар ва харажатлар бўйича жами 2 миллиард 313,4 миллион сўм миқдорида, яъни 1980 йилга нисбатан 7,4 процент кўпайтириб киритилган. Даромадлар ва харажатларни қуйидагича тақсимлаш кўзда тутилади:

	1981 йил миллион сўм
Қорақалпоғистон АССР	211,7
Андижон области	170,2
Бухоро области	164,1
Жиззах области	79,7
Қашқадарё области	143,1
Наманган области	141,9
Самарқанд области	220,8
Сурхондарё области	125,0
Сирдарё области	77,3
Тошкент области	234,5
Фарғона области	221,4
Хоразм области	100,3
Тошкент шаҳри	423,6

Республиканы иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йил планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан узлуксиз таъминлаб туриш мақсадида республика бюджетидан Қорақалпоғистон АССР бюджетига 18,2 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган.

1981 йилда мўлжалланаётган ресурслар планда Қорақалпоғистон АССРнинг, областлар ва Тошкент шаҳрининг кўп тармоқли хўжалигини янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини муттасил ошириш, аҳолиниг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни тўла-тўкис таъминлайди.

Республика министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари 1981 йилда хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик даражасини янада юқори кўтаришлари, ўзларига қарашли корхона ва ташкилотларнинг хўжалик ҳамда молиявий фаолиятини чуқурроқ анализ қилишлари, ички хўжалик резервларини аниқлашлари ва шу асосда план топшириқларини ва бюджет олдидаги мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишини таъминлашлари зарур.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботини Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиқлаши учун тақдим этади.

Республиканинг 1979 йилги бюджети даромадлар бўйича 6 миллиард 81,9 миллион сўм миқдорида ёки 101,8 процент, харажатлар бўйича 5 миллиард 969,4 миллион сўм миқдорида ёки 99,9 процент қилиб, даромадлар харажатлардан 112,5 миллион сўм миқдорда ошириб бажарилди. Бюджетнинг даромадлари ва харажатларига доир муфассал маълумотлар депутатларга тарқатилган ҳисоботда баён этилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумидаги нутқида ўн биринчи беш йиллик арафасида халқ хўжалигининг аҳволини чуқур анализ қилди. Келгусидаги хўжалик ва социал-маданий ривожланишнинг энг муҳим вазифаларини ўртага қўйди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш ана шу вазифаларнинг бажарилишига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Шу сабабли бу вазифалар донмо партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар амалий фаолиятининг марказида турици лозим.

Республика пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш юзасидан социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилиши муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасидан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари шу вазифани бажаришга ҳамда КПСС XXVI съездини ва республика Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

(Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Докладчи план-бюджет комиссиясининг раиси депутат Л. И. ГРЕКОВ

Депутат ўртоқлар! Яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида ва СССР Олий Совети сессиясида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришга оид ғоят муҳим масалалар муҳокама қилинди, партия билан халқнинг куч-ғайратини янада кўпроқ сафарбар этишни талаб қиладиган туб масалалар олга сурилди, уларни амалга ошириш йўллари белгиланди.

Барча совет кишилари сингари, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет халқи фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳақида чинакам ленинча ғамхўрлик билан йўғрилган программавий нутқини зўр завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Улар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини яндиллик билан маъқулладилар ва қўллаб-қувватламоқдалар, ўнинчи беш йилликни муносиб тугаллаш, КПСС XXVI съездини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олиш иштиёқида яшамоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳозирги сессия олдидан бўлиб ўтган пленумида республика олдида турган, КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг мазмунли докладида Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг ўнинчи беш йилликдаги ишлари атрофлича анализ қилинди, 1981 йилда ва келгуси беш йилликда республика экономикасини ривожлантириш ҳамда меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва марралари белгилаб берилди.

Партиямиз иқтисодий соҳадаги ўз амалий иши марказига совет кишилари турмуш даражасини ошириш масаласини қўяётир. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжаликни бошқаришга тааллуқли барча звеноларнинг асосий эътибори аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни янада яхшилаш ҳамда узоқ муддатли программалар асосида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни жадал юксалтириш масалаларини, шунингдек уй-жой қурилишини, меҳнат шароитини, соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият ишларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга қаратилаётир. Халқ фаровонлигини ошириш учун фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, машинасозликни ва биринчи навбатда қишлоқ хўжалик машинасозлигини, ёқилғи-энергетика ва хом ашё базасини, кимё саноатини ривожлантириш, капитал қурилишни, металлургия саноати ва транспорт ишини яхшилаш, бошқариш ва планлаштириш механизмини такомиллаштириш, хўжалик фаолиятининг барча участкаларида хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши қатъий кураш олиб бориш жуда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ССРни 1976—1979 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантириш якунлари ҳамда бу йилги план бажарилишининг боришини шу нарсани қатъий ишонч билан айтиш имконини беради, ўнинчи беш йилликда республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда йирик қадам ташланди. Беш йиллик мобайнида экономика аҳволининг умумлашган кўрсаткичи бўлган миллий даромадни ҳосил қилиш 3,6 миллиард сўм, ёки 29,1 процент ошади ва 1980 йилда 15,8 миллиард сўмга етади. Миллий даромаднинг катта қисми халқ фаровонлигини янада оширишга сарфланди.

Жами ижтимоий маҳсулот 29,5 процент, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми йиллик планлар бўйича белгиланган 23,5 процент ўрнига 27,4 процент ортади. Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини янада ошириш, саноат маҳсулотининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, унинг сифатини яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар қилинди.

Транспорт ва алоқанинг барча турлари ривож топди. Катта кўламда қурилиш ишлари олиб борилди. Халқ хўжалигига салкам 25 миллиард сўм ёки беш йиллик топшириғида кўзда тутилганидан 1,7 миллиард сўм кўпроқ маблағ сарфланди: 90 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ва цехлари ишга туширилди.

Республика деҳқонлари бу йил рекорд ҳосил етиштириб, жаҳонбалабани қўлга киритдилар. Бу йил давлатга 6 миллион тоннадан ҳам ошириб пахта сотилганлиги, беш йиллик бошидан буён эса 28 миллион 435 минг тонна пахта етказиб берилганлиги, бу эса планда кўзда тутилганидан 855 минг тонна кўплиги фикримизнинг яққол далилидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа турларини етиштириш беш йиллик планларни ҳам тўла ва ошириб бажарилди.

План-бюджет комиссияси ва бошқа доимий комиссиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги планы лойиҳасини, 1980 йилги план қандай бажарилаётганлигини, Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳасини, шунингдек 1979 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни олдиндан кўриб чиқдилар.

Комиссиялар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқига тақдим қилинган 1981 йилги Ўзбекистон ССР Давлат плани ва Давлат бюджетининг лойиҳалари ССР Олий Совети бизнинг республикамиз учун тасдиқлаган кўрсаткичларга мувофиқ келади, экономикани янада ривожлантиришни ва меҳнаткашлар фаровонлигини оширишни кўзда тутади, деб ҳисоблайдилар.

1981 йилги план лойиҳасига биноан миллий даромад 4,5 процент, саноат маҳсулотининг ҳажми 5 процент, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 2,2 процент, чакана товар оборати ҳажми 7,2 процент ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 8,1 процент ортади. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига капитал маблағлар ҳажми 8 процент кўпаяди. Умумий саҳни 5,9 миллион квадрат метр миқдорида янги уй-жойлар қурилади. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар 5,9 процент ортади. Халқ фаровонлигининг умумлаштирилган кўрсаткичи — аҳоли жон бошига реал даромад бир йилда 3,5 процент кўпаяди.

Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджети лойиҳаси иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани лойиҳасига тўла мувофиқ равишда тузилган. Бюджетнинг жами даромадлари ва харажатлари 5872,8 миллион сўм миқдорида белгиланган,бу эса план лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширш учун зарур маблағлар билан таъминлаш имконини беради. Халқ хўжалигини ривожлантиришга 2602,1 миллион сўм ва социал-маданий тадбирларга 3079,9 миллион сўм миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА БОШҚА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

(Боши учинчи бетда).

Комиссияларнинг хулосалари сизларга тарқатилган. Уларда план ва бюджет лойиҳаларининг тегишли бўлимлари бўйича доимий комиссияларнинг хулосалари, мулоҳаза ва тавсиялари тўла акс эттирилган. Шу сабабли айрим проблем масалалар устидагина тўхталиб ўтишга рухсат этгайсиз.

Доимий комиссиялар 1981 йилги план лойиҳасини тиғиз, аммо реал ва бажариладиган план, деб ҳисоблайдилар. Унинг топшириқлари пухта ташкилотчилик иши, юксак интизом билан янада мустаҳкамланиши керак. Лекин ўтказилган таҳлил халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларидаги мавжуд жиддий қийинчиликлар бартараф этилмаганини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни жадал юксалтириш биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилди. Республикамиз саноати аҳоли учун товар ишлаб чиқаришни мунтазам кўпайтираётир. Шу йилнинг тўққиз ойлик плани 102,5 процент бажарилган. Аммо мавжуд резервлардан ҳали тўла фойдаланилмаётганлиги сабабли бир қатор корхоналар халқ истеъмоли товарларидан 38,2 миллион сўмлик кам маҳсулот бердилар.

Маҳаллий ресурслардан ва ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиш аҳолига зарур товар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Бироқ республика бўйича хом ашёнинг ана шу туридан товар ишлаб чиқариш тўққиз ойлик плани бажарилмади. Бухоро ва Наманган областларининг маҳаллий саноат корхоналари айниқса, орқада қолаётирлар. Андижон область маҳаллий саноати эса маҳаллий хом ашё ва чиқитлардан маҳсулот тайёрлашни ўн йилнинг шу даврдагига нисбатан деярли 28 процент камайтириб юборди.

Комиссиялар республика министрликлари, идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш программасининг бажарилиши, уларнинг сифатини яхшилаш учун жиддий контроль ўрнатиб, аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларининг тўлароқ қондирилишига эришишлари зарур, деб ҳисоблайдилар.

Халқ фаровонлигини юксалтиришнинг негизи экономика самарадорлигини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришдир. Булар эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлиқ. Республика саноати меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича тўққиз ойлик планни 100.8 процент бажарди. Шу билан бирга бу кўрсаткич бўйича белгиланган топшириқларни ҳали ҳам баъзи корхоналар бажараолмаётирлар.

Узбекистон бинокорлари бу йил кўпгина ютуқларни қўлга киритдилар. Тўққиз ой ичида 2500,2 миллион сўмлик, шу жумладан ишлаб чиқариш объектлари бўйича 1953 миллион сўмлик асосий фондлар фойдаланишга топширилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан анча кўпдир. Бироқ асосий фондларни ишга тушириш плани 273,9 миллион сўмлик миқдорда бажарилмади, ёки 10 процент кам бажарилди.

Уй-жой, умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, бошқа социал-маданий объектларни фойдаланишга топшириш вазифаси тўла бажарилмади. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш соҳасида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, бир қатор область ижроия комитетлари айниқса, орқада қолаётирлар.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича тайёргарлик комиссияси соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш соҳасидаги план топшириқларининг бажарилишини таъминламаган Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё область ижроия комитетларини, Тошкент шаҳар ижроия комитетини ўз мажлисида жиддий танқид қилди.

Ҳар қандай ишнинг муваффақияти, барча планларимизнинг бажарилиши кўп жиҳатдан одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини қандай қондирилаётганига боғлиқдир. Шу сабабли уй-жой ва социал-маданий қурилиш планларининг ўз вақтида бажарилиши ҳақида, сайловчиларнинг наказларида ўртага қўйилган таклифларни амалга ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш министрликлар, идоралар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг доимий диққат марказида бўлмоғи лозим.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилди. 1981 йилда республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бюджет, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан 2 миллиард 140 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилади. Бу эса 1980 йилдагига нисбатан 3,4 процент кўпдир. Қишлоқ хўжалигига территория бўйича сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 2525 миллион сўмни ташкил қилади, бу эса қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, саноат негизида чорвачилик мажсулотлари етиштириш бўйича комплекслар қурилишини кенг кўламда олиб бориш имконини беради. Республика қишлоқ хўжалик органлари ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлашлари, ҳар бир гектар ердан олинадиган самарани, колхоз ва совхозлар даромадини оширишлари зарур.

Комиссиялар республикада ҳали норентабел хўжаликлар борлигини таъкидладилар, айрим колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик техникасидан, минерал ўғитлардан ҳамиша ҳам оқилкорлик билан самарали фойдаланилмаётир. Етиштирилган маҳсулотни йиғиб-териб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида каттагина нобудгарчиликларга йўл қўйилаётир.

Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзмолдоовошчивинпром ердан, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан амалий тадбирларни кўришлари зарур.

Республикамизда чорвачиликнинг ривожланиш суръатлари йил сайин жадаллашмоқда. Чорва молар ва паррандаларнинг барча турлари сони ортмоқда, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ҳажми кўпаяётир. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўп гўшт, 8,1 процент кўп сут, 7,4 процент кўп тухум етиштирилди. Аммо, айрим областлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда қолоқликка йўл қўяётирлар. Чунончи, Бухоро области хўжаликлари давлатга чорва молларини ва парранда сотиш бўйича тўққиз ойлик планнинг бажарилишини таъминламадилар. Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона областлари сут тайёрлаш бўйича, Сурхондарё области ва Қорақалпоғистон АССР жун тайёрлаш бўйича планларни бажармадилар. Баъзи областларда қорамол, чўчқа, қўй ва эчкилар туғёни камайиб кетди.

Чорвачиликнинг бундан буёнги ривожланиши кўп жиҳатдан ем-хашак базасининг мустаҳкамланишига боғлиқдир. Биз пахтага қандай эътибор бераётган бўлсак, ем-хашак экинлари етиштиришга ҳам шундай эътибор беришимиз керак. Комиссияларнинг фикрича, чорвачилик ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг алмашлаб экишни жорий этиш сингари резервидан ҳам мон етарли фойдаланилмаётир. Бир қатор областлардаги колхоз ва совхозлар шу беш йилликка мўлжалланган топшириқларни бажараолмадилар.

Қишлоқ хўжалик объектлари қурилишидаги камчиликлар суст кашлик билан бартараф этилаётир. Капитал маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўйилаётир, маблағларни ишга туширилаётган объектларга тўплаш таъминланмаётир. Натижада шу йилнинг тўққиз ойи ичида қурилиш-монтаж ишлари плани 73,5 процент бажарилиб, йиллик планнинг 57 процентги ҳажмидаги асосий фондлар фойдаланишга топширилган.

Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини кўриб чиқаётганида доимий комиссиялар тежамкорлик режимига риоя қилинишига алоҳида эътибор бердилар. Улар шу нарсани таъкидладиларки, кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар ички резервларни қунт билан қидириб топмоқдалар, хом ашё, материаллар, электр энергиясини тежаш топшириқларини муваффақиятли бажараётирлар, пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаётирлар. Аммо, планни ҳар қандай қилиб бўлсада, шу жумладан маҳсулот таннархини камайтириш, иш ҳақини ортиқча сарфлаш, бошқа нобудгарчиликлар ҳисобига бўлса ҳам бажаришга йўл қўйилаётган ҳоллар ҳали ҳам оз эмас. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида бир қатор министрликлар товар-маҳсулотнинг таннархи қимматлашувига йўл қўйдилар.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари халқ хўжалигининг барча звеноларида тежамкорлик режимини амалга ошириш соҳасидаги ишларни кучайтиришлари, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг муттасил камайишига эришишлари зарур. Бундан бир йил илгари комиссиялар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Госкомсельхозтехника, Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлиги системасида ёнилғи-мойлаш материаллари анча ортиқча сарфланганлигини кўрсатиб ўтган эдилар. Аммо, текширишлар шуни кўрсатдики, мазкур ташкилотлар тежамкорлик режимини мустаҳкамлаш юзасидан шу пайтгача зарур чораларни кўрмаганлар. «Союзузбекгазпром», Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари министрлиги корхоналарида ёқилғи нефўрин ва кўплаб нобуд қилинмоқда.

Мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш муассасаларини янада кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш, социал таъминотни ва социал страхованиени ривожлантириш юзасидан партия белгилаб берган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, комиссиялар социал-маданий тадбирларга ажратилаётган маблағлардан ҳали тўла ва етарли даражада самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдилар. Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё областларидаги мактабларнинг куни узайтирилган группалари харажатига мўлжалланган анчагина маблағлар ўзлаштирилмай қолган. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида эса маорифга ажратилган маблағдан 54 миллион сўми ва соғлиқни сақлашга ажратилган маблағдан 12 миллион сўми фойдаланилмай қолган. Бинобарин, министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ана шу мақсадларга ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан контролни кучайтиришлари зарур.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги давлат плани лойиҳасини кўриб чиқиб, уни тасдиқлаш ҳақида таклиф киритадилар.

Комиссиялар министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги илтимосларини кўриб чиқиларр ва бюджетнинг қўшимча аниқланган даромадлари ҳисобига бу маблағларни жами 6 миллион 110 минг сўм миқдорида кўпайтириб, шу жумладан: болалар уйларида, барча типдаги мактаб-интернатларда, кичик ёшдаги инвалидлар учун интернат-уйларда тарбияланувчиларнинг овқатланишини яхшилашга ҳамда бронхиал астма касаллиги билан оғриқан болаларни амбулаторияда даволаш вақтида бепул дори-дармон беришга 3 миллион 202 минг сўм, қишлоқ жойлардаги маданият уйлари ва клубларнинг, маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа муассасаларнинг биноларини капитал ремонт қилиш, уларга инвентарь ва асбоб-ускуналар сотиб олишга 1 миллион 460 минг сўм, кекса инвалидлар ва кичик ёшдаги инвалидлар учун интернат-уйлардаги шароитни яхшилаш юзасидан уларга инвентарлар сотиб олиш ва бошқа тадбирларга 348 минг сўм, уй-жой фондини ободонлаштириш ва капитал ремонт қилишга 1 миллион 100 минг сўм ажратиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари ана шу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетини 5.878.900 минг сўм миқдорида тасдиқлаш ҳақида таклиф киритадилар.

Доимий комиссиялар Ўзбекистон ССР 1979 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар ва уни даромадлар бўйича 6.081.938 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 5.969.411 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 112.527 минг сўм миқдорда ортиқ қилиб бажарилганлигини тасдиқлаш ҳақида таклиф киритадилар.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездини ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездини сиёсий ва меҳнат қўтаринкилиги гоят авж олган бир вазиятда кутиб олмоқдалар.

Ушбу сессия тасдиқлайдиган ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқлари шараф билан бажарилади, деб қатъий ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Боши биринчи бетда)

Шу муносабат билан томонлар қуйидаги протоколларни: иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида Гамбелла водийсини ривожлантиришга тааллуқли 1978 йил 19 сентябрь битимига доир протоколни, цемент заводи қурилишида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протоколни, иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи ҳукуматлараро Совет-Эфиопия комиссияси иккинчи сессиясининг протоколини имзоладилар.

Совет Иттифоқи Эфиопия революцияси билан бирдам бўлиб, эфиоп халқининг жамиятни социалистик негизларда қайта қуриш йўлидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди. Совет Иттифоқи Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси тузилганини, комиссиянинг I съездида қабул қилинган қарорларни табриклайди. ЭМПТКнинг съезди мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ўзгартиришларни тезлаштиришга имкон берадиган муҳим босқични бошлайди. Совет кишилари Социалистик Эфиопия дўст халқининг Муваққат харбий маъмурий кенгаш раҳбарлигида эришган муваффақиятларидан қувонадилар.

Совет Иттифоқи Социалистик Эфиопия уруш хавфини кучайтираётган мана шу йўлни қоралайдилар ҳамда барча тинчликсевар давлатларни вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, кескинликни юмшатиш ва тинч ҳамкорлик сиёсатини давом эттириш ҳамда ривожлантириш, империалист кучлар ва уларнинг гумашталарининг халқаро кескинликка қарши, ирқчилик ва апартеидга қарши курашда олға қараб анча силжишга эришганлигидан мамнун эканликларини изҳор қиладилар. Шу муносабат билан улар Африка давлатларининг ўз миллий суверенитетини мустаҳкамлаш, социал, иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасини, шунингдек давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш йўлида эр бериб ҳаракат қилаётганлигига юксак баҳо бердилар.

Улар барча давлатларни Африка мамлакатларининг янги ва эски мустамлакачиликка қарши, апартеид ва ирқчиликка қарши олиб бораётган курашида уларни актив қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ўз халқлари турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларига зарур иқтисодий, молиявий ва техникавий ёрдам беришга чақирадилар.

Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия империалистик ва реакцион кучларнинг Африкадаги аҳволни мушкуллаштириш ва Африка бирлиги ташкилотининг самарали ишини заифлаштириш мўлжалидаги ўйлари ҳақидаги қарорларини тўла-тўкис амалга оширишни ва Намибия халқининг бирдан-бир қонуний ва чин вакили бўлмиш СВАПО раҳбарлигида бу мамлакатнинг чинакам мустақиллигига эришишни талаб қиладилар.

Томонлар шармандали фашист апартеид системасини тугатиш учун курашаётган Жанубий Африка халқи билан бирдам эканликларини изҳор қиладилар ва барча давлатларни БМТнинг Жанубий Африка Республикасига қарши жазо чораларини кўриш тўғрисидаги резолюцияларини қатъий бажаришга чақирадилар. Улар Ғарб давлатлари билан Претория ўртасида, хусусан ядро соҳасида давом этаётган ҳамкорликни қоралайдилар. Бундай ҳамкорлик Африкадаги мустақил давлатларнинг хавфсизлигига ва бутун жаҳонда тинчликка жиддий таҳдид қилади.

Томонлар империалистик ва реакцион кучларнинг Африкадаги найрангларига қарши қатъий кураш олиб боришга чақирадилар. Бутун халқаро кескинликни юмшатиш жараёни жаҳоннинг ҳамма районларига, шу жумладан Африка қитъасига ёйилиши керак эканлигига аминдирлар. Томонлар жаҳоннинг турли районларида ядродан холи зоналарни вужудга келтириш ғоясига содиқ эканликларини тасдиқлаб Африка қитъасининг ядросиз зона бўлиб қолишига эришиш учун қатъий қарор берганликларини билдирадилар.

Томонлар Африканинг жанубида вужудга келган вазиятни кўриб чиқиб, Зимбабве халқи қозонган галабадан мамнун эканлигини изҳор қиллилар. Улар Зимбабве ҳукумати ва халқининг миллий қурилиш йўлидаги курашини доим қўллаб-қувватлаяжакларини биллирдилар. Томонлар Зимбабвенинг мустақиллиги Намибия ва Жанубий Африка халқларининг озодлик йўлидаги курашига янги далда беради, деб ишонганликларини изҳор қилдилар.

Претория ирқчи режими Ангола Халқ Республикасига қарши ва Африкадаги бошқа мустақил давлатларга қарши агрессияни давом эттираётганлиги муносабати билан Совет Иттифоқи ва Социалистик Эфиопия бу режимни қоралайдилар ҳамда барча давлатларни уларнинг такрорланаётган шу хилдаги ҳуружларга қарши курашига зарур ёрдам ва мадад беришга чақирадилар.

Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия Африканинг жанубидаги миллий озодлик ҳаракатини тамомила қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ўз халқлари турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларига зарур иқтисодий, молиявий ва техникавий ёрдам